

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АВТОМОБИЛЬ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминлаш, илғор халқаро тажриба асосида замонавий бозор механизмлари ва бошқарув усуллари жорий қилиш, шунингдек, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош ишлаб чиқаришни яратиш мақсадида:

1. 2019-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари этиб куйидагилар белгилансин:

енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмини 350 минг донагача ошириш;
енгил автомобилларни маҳаллийлаштириш даражасини ўрта ҳисобда 60 фоизгача етказиш;

юк автомобиллари ва автобуслар ишлаб чиқариш ҳажмини 10 минг донагача ошириш;

автомобилларнинг йиллик экспорт ҳажмини 100 минг донагача етказиш;

корпоратив бошқаруving замонавий усуллари, шунингдек, "ERP" автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини жорий этиш;

аҳолининг кенг қатламлари учун ҳамёнбop бўлган енгил автомобилнинг янги замонавий модели ишлаб чиқарилишини назарда тутган ҳолда автомобилларнинг моделлар қаторини янгилаш;

"Ўзавтосаноат" АЖ таркибига кирувчи камида иккита акциядорлик жамияти акцияларини маҳаллий ва халқаро фонд бозорларида бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) орқали инвесторларни жалб этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда "Ўзавтосаноат" АЖ етакчи хорижий компаниялар ва халқаро экспертларни жалб этган ҳолда бир ой муддатда куйидагилар бўйича аниқ таклифларни тайёрлаш учун масъул бўлган "Ўзавтосаноат" АЖ ҳузурида доимий фаолият юритувчи лойиҳа офисини ташкил этиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини 2023 йилгача янада жадал ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш; илғор халқаро тажриба асосида замонавий бозор механизмлари ва бошқарув усуллари жорий этиш;

автомобиль саноатининг инвестициявий жозибадорлигини, шу жумладан, мотор транспорт воситалари ва уларнинг бутловчи бўюмларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи барча корхоналар учун солиқ ва божхона режимларини унификациялаш йўли билан ошириш;

эҳтиёт қисмлар ва бутловчи бўюмларни ўзлаштириш даражасини ошириш ва импорт ҳажмларини пасайтириш имконини берадиган қўшимча ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

эҳтиёт қисмлар ва бутловчи бўюмлар ишлаб чиқаришнинг устувор сегментларида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантириш, миллий муҳандислик марказларини ташкил этиш;

автомобиль саноатида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштириш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2020 йил 1 январга қадар "Ўзавтосаноат" АЖ ва унинг улуши мавжуд бўлган ташкилотлар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат хариди бўйича техник топшириқлар оригинал ишлаб чиқарувчи (ОЕМ) ёки автомобиллар лицензиари томонидан тасдиқланган (белгилаб қўйилган) ёки тавсия этилган махсулот етказиб берувчиларга нисбатан ёки бундай талаб автомобил махсулотлари ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича асосий, лицензион ва инвестициявий битимлар, шунингдек, саноат намуналарини ишлаб чиқиш ва лойиҳалаш бўйича битимлар, автомобиль махсулотларини ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда техник кўмаклашиш бўйича битимлар билан ўрнатилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУҚда экспертизадан ўтказилмайдиган;

б) 2019 йил 1 октябрдан кейин тузиладиган шартномалар бўйича "UzAutoMotors" АЖ томонидан ишлаб чиқариладиган автомобилларга акциз солиғи бекор қилинади;

в) 2019 йил 1 октябрдан бошлаб юртимизда ишлаб чиқарилган янги автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун йўғим автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланади;

г) "Ўзавтосаноат" АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган, 1-иловада кўрсатилган активлари куйидагича сотилиши мумкин:

қўшилган қиймат солиғини (кўчмас мулк учун) ва ҳақиқий қийматини (ҳўжалик жамиятларидаги улушлар ва акциялар пакети учун) ҳисобга олган ҳолда уларнинг қийматини баҳоламасдан "E-IJO AUCTION" электрон савдо майдончасига бошланғич баҳоси бўйича аукционга қўйиш орқали;

савдога қўйилган вақтдан буён икки ой ичида талабгорлар мавжуд бўлмаган тақдирда, бошланғич баҳосини қадам-бақадм тушириб бориш орқали.

4. "Автосаноат инвест" МЧЖ ва "Ўзавтосаноат" АЖнинг "Ўзавтосаноат" АЖ ва "Автосаноат инвест" МЧЖнинг тегишли равишда устав капиталини камайтириш ҳисобига "Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖнинг устав капиталдаги "Автосаноат инвест" МЧЖ улушини баланс қийматида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига топшириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бир ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин.

Давоми 2-бетда ➡

Ёз неъматлари: ҚАЙТА ИШЛАНГАНИ – КОНИ ФОЙДА

Вилоятимизда иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми кун сайин кўпаймоқда. Халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган инвестициявий лойиҳалар жаҳон стандартларига жавоб берувчи, сифатли, экспортбop ва импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминламоқда.

Ўзбекистонда
ишлаб
чиқарилган



Оққўрғон кичик саноат зонасида яқинда ўз фаолиятини бошлаган "Jahon exim group" масъулияти чекланган жамияти Германиядан келтирилган замонавий асбop-ускуналар билан жиҳозланган. Мазкур корхонада юртимиз боғ-роғлари ва далаларида етиштирилаётган мева ва полиз экинларини қуришти, уларга ишлов бериш, қадоқлаш ишлари амалга оширилади.

3

НУРАФШОНДА ЙИРИК ХОРИЖИЙ КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Россиянинг "Татнефть" компанияси мамлакатимиздаги илк автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчасини ишга туширди. Ўртачирчиқ туманининг "Тошкент – Нурафшон" йўлида бунёд этилган мазкур АЁҚШ фойдаланишга топширилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда вилоят ва Нурафшон шаҳар ҳокимлиги, "Татнефть" компанияси масъуллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



Ўзбекистонда
ишлаб
чиқарилган

Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги ҳар томонлама ривожланиб бораётгани, икки давлат ўртасидаги самимий шериклик муносабатлари иккала томоннинг илмий-техник, саноат ва ишлаб чиқариш имкониятларини ўзаро мустаҳкамлашга йўналтирилгани таъкидланди.

Аввало, Ўзбекистонда яратилган қулай инвестицион муҳит учун миннатдорчилик билдираман, – дейди "Татнефть" компанияси бош директори Наиль Маганов. –

Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишончли алоқалари натижасида давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланмоқда. Лойиҳа

қиймати 2,5 миллион доллар бўлган Ўзбекистондаги илк лойиҳамиз ҳам ана шу ўзаро ишончли ҳамкорлиқнинг амалий натижаларидан биридир.



Давоми 2-бетда ➡

Хитой Халқ Республикаси ишбилармон доираси вакилларидан иборат делегация Пискент туманида ўтказилган "Савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантириш" Ўзбек-Хитой бизнес форумида иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Хабарингиз бор, мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Хитойнинг Хориждаги корхоналарни ривожлантириш бўйича ассоциацияси (CODA) Бош директори Хэ Чжэнвэй бошчилигидаги делегация Бухоро, Самарқанд ва Андижон вилоятларида бўлиб, мазкур ҳудудлардаги инвестиция муҳити билан танишган эди. Амалий ташриф якунида икки давлат ишбилармон доираси вакиллари ўртасида меморандумлар имзоланди.

Ўзбекистон Хитой билан узоқ муддатли ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, мамлакатимизга йўналтирилган инвестиция ҳажмини ошириш мақсадида ташкил этилган бизнес форумда хитойлик ишбилармонлар, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги масъуллари, йирик компания ва корхоналар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида азал-азалдан савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларда кенг алоқалар ўрнатилгани, айниқса, Хитойда ўтказиб келинаётган "Бир маҳон – бир йўл" форуми доирасида икки давлат ўртасида иқтисодий ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

2

РЕЙД УРУНГАЧ КЎЛИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ВАЗИЯТ ЎРГАНИЛДИ



Оммавий ахборот воситаларида пойтахт вилояти тоғ сув ҳавзаларининг ифлосланиши ҳақидаги хабарлар тарқалганлиги муносабати билан Ўзбекистон экологик партияси Ўзбекистон Республикаси Давлат Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси билан биргаликда Бўстонлиқ туманидаги Урунгач кўли ҳудудига чиқиб, вазият ўрганилди, дея хабар беради Ў.А.

Сув ҳавзаси ҳолатини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Ўрмон ҳўжалиги Давлат қўмитаси, Бурчмулла ўрмон ҳўжалиги ходимлари, вилоят ва Бўстонлиқ тумани ҳокимликлари, мувофиқ тузилма вакиллари ва жамоатчилик жалб қилинди.

Аввалроқ, Давлат экология қўмитаси мутахассислари томонидан ҳудудни кўриб чиқиш чоғида табиати муҳофаза қилиш қўнунчилиги бузилганлиги аниқланган эди.

Хусусан, бевосита сув устида 10 та

ёғоч супа (каравотлар) ўрнатилган бўлиб, қайиқлар ва катамаранлардан фойдаланилган. Сайёҳлар учун санитария-гигиена шароитлари яратилмаган, чўмилиш эса ушбу мақсадлар учун жиҳозланмаган жойларда ташкил этилган.

Бундан ташқари, сув муҳофазаси ҳудудида маиший чиқиндилар, жумладан, пластик бутилка, овқат қолдиқлари ва ёқилган гулхандан қолган кул ва чиқинди уюмлари тўпланиб ётибди.

Ушбу қўнунбузилишлари ҳудуднинг экологик ҳолатига салбий таъсир

қўрсатади. Агар тезкор чоралар қўрилмаса, атроф-муҳит, жумладан, сув ҳавзаси ифлосланиши ва умуман минтақада санитария-эпидемиологик вазият ёмонлашишга олиб келиши мумкин.

Қўрилган чора-тадбирлардан сўнг супа (каравот)лар йиғиштирилган, сузиш воситалари (резина қайиқ ва катамаранлар), чиқиндилар олиб чиқиб кетилган.

Қўнунбузилишларни бартараф этиш учун Бўстонлиқ тумани экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича туман инспекцияси ва Бурчмулла ўрмон ҳўжалиги маъмуриятига зарур топшириқлар берилди. Қўлнинг эко-тизим ҳолати туну кун назорат қилиниши таъкидланди.

Ўзбекистон экологик партияси Давлат экология қўмитаси билан биргаликда кўл ҳудудига табиий қўриқландиган ҳудуд мақомини бериш таклифи тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АВТОМОБИЛЬ САНОАТИНИ ЖАДАЛ
РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

5. "Ўзавтосаноат" АЖ 2-иловага мувофиқ рўйхат бўйича дилерлик ташкилотларининг уст-тав жамғармалари (капиталлари)даги улушлар сотилишини тезлаштирсин.

6. Куйидагилар:

2019-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини янада ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" 3-иловага мувофиқ;

импорт қилишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатини 120 кунга узайтириш имконияти берилган автотранспорт воситалари, тиркамали ва осма техникалар, уларнинг бутловчи буюмлари ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган товарлар, материаллар ва технологик жиҳозлар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда "Ўзавтосаноат" АЖ:

а) икки ой муддатда: тижорат банклари билан биргаликда мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган автомобилларни маҳаллийлаштириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий банклар ва экспорт-кредит агентликларининг имтиёзли кредит линиялари жалб этилишини;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш қисмида етакчи хорижий компаниялар билан музокаралар якун-лаштириш таъминласин;

б) 2019 йил 1 декабрда қадар:

5-иловага мувофиқ, "Ўзавтосаноат" АЖнинг 2019-2022 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари бўйича "General Motors" компанияси билан музокаралар низоюсига етказилиши ва битимлар тузилишини;

5-иловада назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга хорижий банклар, экспорт-кредит агентликлари, шунингдек, инвестиция компаниялари ва жамғармаларнинг маблағлари ҳисобига энг қулай шартларда камида 700 миллион АҚШ долларини жалб этишни;

автомобиль саноатидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, жумладан, 6-иловага мувофиқ автомобиль саноати корхоналарининг устав капиталларидаги "Ўзавтосаноат" АЖнинг улушлари (акциялари)ни сотиш орқали инвесторлар жалб этишни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда "Ўзавтосаноат" АЖнинг юртимизда ишлаб чиқарилган янги автотранс-

порт воситаларини расмий дилерлик ташкилоти (кейинги ўринда - расмий дилер)га хариддорлар томонидан илгари фойдаланилган ўзларига тегишли автотранспорт воситаларини топшириш ҳамда улар қийматидаги фарқни тўлаш орқали маҳаллий автомобилларнинг янгисини харид қилиш имконини берувчи "TRADE-IN" дастурини 2019 йил 1 октябрдан татбиқ этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

"TRADE-IN" дастури доирасида куйидагилар белгилансин:

а) расмий дилер томонидан жисмоний шахсларнинг илгари фойдаланилган автотранспорт воситаларини сотишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш учун қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига олган сотилаётган объектнинг сотиш нархи билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ солиққа тортиш базаси бўлиб ҳисобланади;

б) расмий дилерлар томонидан амалга ошириладиган куйидаги олди-сотди шартномаларига нисбатан мажбурий нотариал расмийлаштирув татбиқ этилмайди;

белгиланган шаклдаги ҳисоб-маълумотномаларни харидорга бериш тартибини жорий этиш орқали илгари фойдаланилган автотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаларига; маҳаллий ишлаб чиқарувчи заводларнинг расмий дилерларидан сотиб олинган янги автотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаларига;

в) расмий дилерлик ташкилоти томонидан илгари фойдаланилган автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун уларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатдан ўтказиш вақтида йиғим тўланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий заводларнинг расмий дилерларини "TRADE-IN" дастури доирасида сотиб олинган илгари фойдаланилган автотранспорт воситаларини сотиш учун тегишли даражада ҳимояланган ҳисоб-маълумотномалар бланклари билан белгиланган тартибда таъминласин.

9. "Ўзстандарт" агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда "Ўзавтосаноат" АЖ илгор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда:

2019 йилнинг 1 ноябрга қадар эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларнинг хавфсизлик ва сифат кўрсаткичларини таъминлайдиган намунавий тажриба дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2019 йилнинг 1 декабрга қадар Пискент автомобиль полигонини негизда автомобилларни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини синовдан

ўтказиш базасини ташкил этиш ҳамда уни зарур техника ва ускуналар билан жиҳозлаш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2020 йил 1 январга қадар автотранспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларни тўла-тўқис синовдан ўтказишни таъминлаш учун маҳаллий лабораторияларни зарур техника ва ускуналар билан жиҳозлаш бўйича Комплекс дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2020 йил 1 мартга қадар "Автомобиллар учун ўртача корпоратив ёқилғи тежамкорлиги" стандартини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Куйидагилар:

Автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид чораларни ишлаб чиқиш ва амалда ижро этиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 7-иловага мувофиқ;

мазкур қарорни амалга ошириш бўйича ба-тафсил амалий тадбирлар режаси 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳи (Ходжаев):

ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни;

ушбу қарор ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳар 15 кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиб борилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда бохжона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3818-сон қарорига 9-иловага мувофиқ қўшимча киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 18 июль

Маълумотларга кўра, айни пайтда Россия Федерацияси ҳудудида "Татнефть" компаниясининг 600 дан зиёд АЁҚШ мавжуд. Шохобчаларда мижозларга қулайлик яратиш мақсадида юқори даражадаги сервис хизмати ва қўшимча хизматлар таклиф этилади.

Компаниянинг мамлакатимиздаги илк шохобчасида ҳам ана шундай қулайликлар мавжуд. Жумладан, шохобчада "ТАНЕКО" акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилган "Аи-

бошқа томондан шу турдаги тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтиради. Ва бу ўз-ўзи-дан бошқа жойларда ҳам хизмат кўрсатиш сифати яхшила-нишига олиб келади.

Мутахассисларнинг қайд эти-шича, "Татнефть" компанияси билан ҳамкорлик кўлами кенг бўлиб, геология-қидирув, конларни ишга туширишга тайёр-лаш, шина бизнеси каби соҳа-ларни ўз ичига олади. Компа-ния билан кадрларни тайёрлаш

НУРАФШОНДА ЙИРИК
ХОРИЖИЙ КОМПАНИЯ
ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

95", "Аи-92" русумли автобен-зинлар ва дизель ёнилғиси, Ўзбекистон нефтни қайта иш-лаш заводларида ишлаб чиқа-рилган "Аи-80" русумли авто-бензин, шунингдек, метан маҳ-сулотини сотиш режалаштирил-моқда. Хайдовчи ва йўловчи-ларга қўшимча қулайлик яратиш

мақсадида замонавий кутиш зали, савдо маркази қурилиб, автомобилларни ювиш, шина-ларини дамлаш учун автомат-лаштирилган технологик қурил-ма ўрнатилган.

– Янги шохобчанинг бирин-чи мижози мен бўлибман, – дейди хайдовчи Равшан Бойзо-ков. – Шу муносабат билан ма-шинамга бепул ёнилғи қуйиб беришди. Бундан хурсандман, савдо тармоғини кенгайтириш-ни режалаштирмоқда. Барча тармоқлар Россиядаги етакчи компаниялар ёнилғиси, шу жум-ладан, "ТАНЕКО" нефтни қайта ишлаш комплексининг юқори сифатли ёнилғиси билан таъ-минланади.

Компаниянинг мамлакатимиздаги илк АЁҚШидан нефть маҳсулотларини нақд пул, шу-нингдек, банк карталари ҳамда "Татнефть"нинг ёнилғи карта-лари орқали харид қилиш мум-кин.

"Татнефть" компанияси келгу-сида мамлакатимиздаги чакана савдо тармоғини кенгайтириш-ни режалаштирмоқда. Барча тармоқлар Россиядаги етакчи компаниялар ёнилғиси, шу жум-ладан, "ТАНЕКО" нефтни қайта ишлаш комплексининг юқори сифатли ёнилғиси билан таъ-минланади.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Бизнес форум доирасида "Ўзэлтехсаноат", "Ўзсаноатку-рилишматериаллари" уюшмаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги то-монидан вилоятнинг саноат, ер ости фойдали қазилмалари, туризм, қишлоқ ҳўжалиги ва бош-қа соҳалардаги салоҳияти тақ-димоти ўтказилди. Ўз навбати-да, Хитойнинг мазкур йўналиш-ларда фаолият кўрсатаётган компаниялари – "Дунту" Пекин илмий-техник компанияси ва йирик қурилиш корпорацияси-нинг имкониятлари билан та-ништирилди.

Форум доирасида, шунинг-

дек, хитойлик тадбиркорлар билан В2В шаклида икки то-монлама музокара бўлиб ўтди. Учрашувда "Бир макон – бир йўл" доирасида икки давлат ишбилармонлари ўртасида имкониятларни тўла-қонли ишга солиш орқали ин-вестиция ва ўзаро манфаат-ли шавдон амалга ошириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Бизнес форумда хитойлик ишбилармонлар билан қишлоқ ҳўжалиги, нефть-кимё, электро-техника, туризм каби йўналиш-ларда ҳамкорлик қилишга оид келишувга эришилди.

ЎЗА

□ Мехнат муҳофазаси

Пискент туманидаги Болалар мусиқа ва санъат мактабида ви-лоят касба уюшмалари Кенга-ши томонидан "Мехнатни муҳо-фаза қилиш ойлиги" доирасида "Хавфсизлик, саломатлик ва ке-лажақдаги меҳнат" мавзусида амалий-семинар ташкил этилди.

ОЙЛИК ДАВОМ
ЭТМОҚДА

Семинарда "Бирлашма кенга-шига аъзо ташкилотларда меҳнат муҳофазаси борасида амалга оширилаётган ишлар", "Таълим муассасаларида меҳнат муҳофаз-си вақли ва касба уюшма кўми-таси, иш бевуқининг вазифала-ри", "Ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодисалар ва касб касал-ликларининг олдини олиш", "Хо-димларнинг ҳаётини сугурта қилиш ҳамда ишлаб чиқаришда жабрланганлар учун сугурта тўло-ларини ундириш тартиби" тўғри-сидаги маърузалар тингланди.

Шунингдек, семинарда меҳнат жараёнида ходимларнинг хавф-сизлиги ва иш қобилиятини сақ-лаш мақсадида ҳар бир касб учун меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқ-номалар ишлаб чиқилган бўлиб, ходимларни дастур асосида даст-лабки ва даврий ўқитиш масала-ларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Тадбир сўнгида маърузалар бўйича баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар бўлди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча са-волларга масъуллар томонидан жавоб олдилар.

Маълумот ўрнида шунини таъкид-лаш жоизки, вилоят касба уюш-малари Кенгаши томонидан март ойида Янгийўл тумани, апрель ойида Олмалик шаҳри, май ойида Кибрай тумани ва уларга ёндош ҳудудлардаги ташкилот, корхона ва муассасаларда фаолият юри-тувчи меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ходимлар ҳамда бошлан-ғич ташкилотлар раислари ишти-рокида амалий семинарлар таш-кил этилган. Жорий йил охирига қадар бундай семинарлар барча шаҳар, туманларда ўтказилиши кўзда тутилган.

Ўз мухбири

БАРҚАРОР ДАРОМАД МАНБАИ

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 мартдаги "Аҳолини тадбиркор-ликка кенг жалб этиш ва мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармо-ни доирасида вилоятимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

□ Хар бир оила – тадбиркор

Шаҳар ва туманларимизда оила-ларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, улар учун қўшимча ва бар-қарор даромад манбаи ҳисоблан-миш тикувчилик, миллий хунарманд-чиликни янада ривожлантириш бўйича хотин-қизлар ташаббуслари, ёшлар учун истиқболли ғоялар ва лойиҳаларни амалга ошириш, шу асосда уларни иш билан таъмин-лаш учун пойдевор яратилмоқда.

– Бугунги кунда Ангрен шаҳрида уч мингга яқин тадбиркор аёл фао-лият юритмоқда, – дейди Ўзбекис-тон ишбилармон аёллар уюшмаси шаҳар бўлими бошлиғи Шохиста Мадиярова. – Улар учун зарур ша-роитларни яратиб беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Тадбиркорлик билан

шуғулланиш ниятида бўлган хотин-қизларнинг 70 нафари имтиёзли тарзда банк кредитлари олишди. Шунингдек, бугунги кунда товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизматлар бозорини тўлдириш бўйича ўнлаб истиқболли лойиҳа-лар амалга оширилмоқда.

Мисол учун, "Гўзал" маҳалласи-да истиқомат қилувчи тадбиркор Нарғиза Нозимованинг фаолиятини олайлик. У оила аъзолари билан биргаликда тикувчилик цехини ишга туширди. Ҳозирда цехда тўрт на-фар ишчи аёллар либослари, оқшом қўйлаклари ҳамда болалар учун ки-йимлар тикишмоқда.

– Буюртмалар сони кундан-кун-га кўпаймоқда, – дейди Н. Нози-



мова. – Шунинг учун ишлаб чиқа-риш ҳажминини ошириб, маҳсулот-лар турини кенгайтирмоқчимиз. Из-ланувчан аёл ва қизларимиз учун яхши шaroит яратишга ҳаракат қилмоқдамиз. Банкдан олинган 30 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига тикувчилик цехини катта-лаштириб, ускуналар харид қилиш-ни режалаштирғанимиз.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ
олган сурат

2012 йил 16 мартда Ўзбекистон Республикасининг "Оила-вий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинган эди. Аммо, ҳар қанча мукаммал бўлмасин, мазкур қонун қутулган самарани бермади. Оилавий тадбиркорликни тартибга солиш-ни мақсад қилган қонун қозғоғидан савлат тўкиб турди.

Янгийўл туманида истиқомат қилувчи Тўлқин ва Толибжон Куч-каровлар оиласи ҳам мазкур қонун-дан руҳланиб, "Мана бизнинг ҳи-момиз кафолатланди", дея 2013 йилда оилавий корхона ташкил этишди. Бироқ, ишлар улар ўйла-гандек юришиб кетмади, кўринмас бюрократик тўсиқлар очиги эзиб юборди.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра, 2018 йил 1 ап-рель ҳолатига Кучкаров каби юри-дик шахс сифатида давлат рўйха-тидан ўтган оилавий корхоналар сони оз мас, кўп эмас 13 минг 275 та экан. Аммо, уларнинг фаолияти унчалик ҳам сезилмади.

Президентимизнинг 2018 йил 8 июнь кўни имзолаган "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги Қарори том маънода оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти тур-

ларини кенг оммалаштириш, ҳар бир оиланинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш ва ишсизликка барҳам беришни асосий мақсад қилди.

ИШ БИЛГАННИНГ ЗАМОНИ КЕЛДИ

Ўтган йил охирида Тўлқин ва То-либжон Кучкаровлар янги ташкил этилган Янгийўл кичик саноат зо-наси ҳудудидан 1 минг 600 квадрат метр ер майдонини тендерда ютиб олишди. Тўхтаб қолган оилавий бизнесни янгитдан бошлашди. Ўз шахсий маблағлари ҳисобидан 3 миллиард 645 миллион сўм кири-тиб, ҳозирча 12 нафар кишини доимий иш билан банд этишди. Италия ва Тайванддан ҳар бири 50 минг АҚШ долларини қийматидаги асбоб-ускуналарни олиб келиб, ўрнатишди. Айни кезде "Maraton

textile" деб номланган оилавий кор-хона замонавий тўқимачилик уску-наларида 150 тонна дастлабки три-котаж мато маҳсулотини ишлаб чи-қарди. Маҳсулот тўғридан-тўғри Россияга экспорт қилинмоқда.

– Жорий йил охиригача цехнинг қувватини икки бараварга ошира-миз, – дейди корхона раҳбари Тўлқин Кучкаров. – Бунинг учун за-монавий дастгоҳларни бошқара олидиган мутахассислар керак. Ҳозир ходимларни ўқитиш чорала-рини кўраямиз.

Мазкур мақолани тайёрлаш жа-раёнида Янгийўл туманидаги Эски қовунчи қишлоқ фуқаролар йиғи-нида истиқомат қилувчи 42 ёшли Абдусаттор Ганиевнинг UzAnalytics.com сайтига берган ин-тервьюсини ўқиб қолдим.

– Менинг отам кўп йиллар сар-тарошлик қилган, – дейди у. – Собиқ иттифоқ даврида уйимиз олдида бир кичкина ҳўжрача қуриб, маҳалладошларнинг соч-соқолини

олиб, оила тебратган. Мустақил-ликнинг илк йилларида турли тек-шир-текширлар, ҳужжат сўрашлар бошланди. Тўғри, фаолият қонуний бўлиши керак. Аммо, қонуний иш-лаш учун на ҳужжат расмийлашти-риб бўларди, на бирор ерда маля-ка оширишга имкон бор эди. Ҳам-масидан беэиб кетган отам охири ишини йиғиштириб, таксичиликка ўтиб кетди. 2006 йилда мен отам-

нинг ишини давом эттирмоқчи бўлдим. Ўнлаб идораларга бориб, 30 га яқин ҳужжат йиғдим. Бунинг учун 4 ойдан ортиқ вақтим кетди. Патент олиб, сартарошхонани таъ-мирлаб, иш бошладим. Қани энди бемалол ишлай олсам эди. Қунда-қунора текшириш, ҳали солиқ, ҳали ёнғин бошқармаси, ҳали СЭН (са-нитария-эпидемиология назорати). Хуллас, тишимни тишимга қўйиб, чидаб ишладим. Солиқ ва турли тўловлардан орган пулга аранг оила боқардим. Шўқрлар бўлсинки, энди вазият

ўзгарди. Ўтган йили катта ўғлим Аб-дуолим коллежни битирди. Ота-бола сартарошхонани кенгайтир-дик, оилавий корхона сифатида давлат рўйхатидан ўтказдик. Хат-хужжатлар билан ўғлим шуғулланди. Ёш, ўқимишли бўлгани учунми ёки ҳозир бунақа ишлар осон битап-тимми, хуллас қисқа фурсатда барча ҳужжатларни тахт қилди. Банкдан кредит олиб, қўшимча жиҳозлар со-тиб олдик. Назаримда, текшир-тек-ширлар камайгандек, рўзгоримиз-га ҳам барака кириб қолди. Қизим ҳам коллежни битираяпти. Ўғлим синглисига сартарошхонамиз ёни-дан бир кичикроқ тикув цехи очиб беришни ўйлаб турибди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда олиб борилаётган ислохотлар ўз сўзини айтиётгани мамлакатимиз-нинг энг чекка ҳудудларида ҳам кўзга ташланмоқда. Маҳаллаларда ҳам ўзи, ҳам атрофидоғиларга нафи тегадиган оилавий тадбиркорлар кўпаймоқда.

Ислохотлардан мақсад ҳам шу, аслида.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Чиноз томонларда

ТИКУВЧИЛАР ДИПЛОМ ОЛИШДИ

Туманинг Эшонабод ҳудудида хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази томонидан Мустақилликнинг йигирма саккиз йиллиги арафасида 100 нафарга яқин хотин-қизлар тикувчиликка бепул ўқитилди.

Қувонарлиси, улар учун қишлоқнинг ўзида, уйларида яқин жойда шартли яратилиб, марказ ходимлари келиб ўқитишди. Ҳафта бошида курсни муваффақиятли тугатганларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Эшонабодда хотин-қизлар сартарошликка ҳам ўқитилмоқда. Уни туман "Тадбиркор аёл" уюшмаси раҳбари Коммуна Шерматова ташкил этди.

— Асосий мақсадимиз муаммоли вазиятларга тушиб қолган аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик хизматлар кўрсатилишини таъминлаш, хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш орқали уларнинг турмуш шароитини яхшилашга қўмаклашиш, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Нигора Муҳаммадиева.

Суройё АҲМЕДОВА

ТИЖОРАТ БАНКИ ЯНГИ БИНОДА

"Ипотека банк" Чиноз филиалининг янги биноси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Икки қаватли янги бинода аҳолига валюта айирбошлаш, касса тўловларини амалга ошириш, пул ўтказиш, кредит ва бухгалтерия, банк карталари ва омонатлари ҳамда бошқа турдаги банк хизматлари кўрсатилади.



Хозирда "Ипотека банк" филиалида 39 нафар ходим йигирма мингга яқин мижозларга хизмат кўрсатмоқда.

коммуникацияларини риволантириш маркази вакиллари, туман ҳокимлиги, тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари иштирок этишди.

Турсунали ТЎҚЛИБОВ

БОЛАЖОНЛАР УЧУН ТУҲФА

Президентимизнинг "Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш ва бешта муҳим ташаббуснинг учинчи йўналиши бўйича тумандаги 5-сонли мактаб-интернат замонавий компьютер технологиялари ва интернет тармоғи билан таъминланди.

Хусусан, ўқувчилар ўз оила аъзолари билан тез-тез мулоқотда бўлишлари учун сўзлашув хоналари ташкил этилди. Очиқлиш маросимида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва

коммуникацияларини риволантириш маркази вакиллари, туман ҳокимлиги, тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари иштирок этишди.

ЭНГ НАМУНАЛИ... ҚАЙНОНА

Тумандаги "Йўлтушган" маҳалласида "Энг намунали қайнона" кўрик-танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди.

Унда туман хотин-қизлар кўмитаси "Ойдин", "Каттагана", "Гулзоробод", "Янги ҳаёт" маҳаллалари фаоллари, "Қайноналар кенгаши" аъзолари, ибратли қайноналар, хотин-қизлар иштирок этишди.

Танлов уч шарт бўйича ўтказилиб, иштирокчи қайноналар аввало, ўзлари, оилалари, фарзандлари ҳақида маълумот беришди. 2-шартда билимдонлик, моҳирлик, фахрлилик синалган бўлса, 3-шарт эркин мавзуда бўлди.

Энг асосийси, танлов иштирокчиларининг билим ва

маҳоратлари ҳайъат аъзолари томонидан ҳолисона баҳоланди.

Танлов натижаларига кўра, Гўлсум Умирова "Энг моҳир қайнона", Хурсаной Тожибоева "Намунали оила бекаси", Зулхумор Жўраева "Энг ибратли қайнона", Хурматой Мўминова "Энг меҳрибон қайнона" ва Лола Қосимова "Тадбиркор оила бекаси" номинацияларида ғолиб бўлишди.

Тадбир сўнгига қатнашчиларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Нозима АТАБАЕВА

Жиноят ҳақиқати ва адолат

М. Шоқахоров 2011 йилнинг бошларида Россияга ишлаш учун кетди. Орадан 6 ой ўтиб, Мансур собиқ хотинини ҳам ўзга юртга ишлагани таклиф этди.

— Кел, бу ерда сенга иш бор, мўмай пул топамиз, — деди.

Гулноза дарҳол рози бўлди. Болаларини онасиникида қолдириб, Россияга равона бўлди. Қарангки, собиқ эр-хотин у ерда ҳам бирга яшадилар. Мансур автомашина тўзатиш ишлари билан шуғулланарди.

2014 йилда Гулноза Ўзбекистонга қайтиб, фарзандлари билан қайнонасиникида яшай бошлади. У кетгач, эри ўша тарафларда андижонлик Сайёра исмли қиз билан танишиб қолди. Учрашиб турдилар. 2015 йил август ойида бирга юртга қайтишди.

Мансур Сайёрага расман уйланди. Кўп қаватли уйлардан бирида яшай бошлашди. Ўрталарида бир фарзанд дунёга келди. М. Шоқахоров юртга қайтгач, хусусий фирмалардан бирига раҳбар бўлди. Ишлари анча юришиб қолди.

Гулноза ҳамон қайнонасиникида яшар, эрининг ик-

АМАЛГА ОШМАЙ ҚОЛГАН КОТИЛЛИК

қинчи хотинга уйлангани унга алам қиларди. Узаро жанжаллардан чарчаган қайнона Гулнозадан уйдан чиқиб кетишни талаб қилди. — Қаерга ҳам борардим, уй олиб беринглар, чиқиб кетай, — ялинди келин.

— Ҳеч қандай уй йўқ сенга, тўғингичи шикиллат, уймидан йўқол! — бақирди қайнона.

Гулноза собиқ эридан уй олиб беришини талаб қила бошлади. Мансур хозирча бунинг имкони йўқлигини баҳона қилди. Аммо, собиқ хотини Мансурнинг 6 сотиқчи ҳовли-жой сотиб олиб, у ерда иккинчи хотини Сайёра билан яшайётганини биларди. Жанжаллардан безган ўғил ва она Гулнозадан курилишни тугалланмаган бир хонали уйга чиқариб юборди. Гулнозанинг айтишича, уй жуда хароб ақволда бўлиб, газ ҳиди анқирди.

Табиийки, у бу уйда яшай

олмади. Яна қайнонасининг уйига қайтиб борди.

Мансур унга уй сотиб олиб беришни ваъда қилди. Ахир, ўртада 3 нафар фарзанди бор. 2019 йил бошларида Гулнозани яна ўша қаровсиз бир хонали уйга юклари билан келтириб ташлади.

Газ ҳиди Гулнозани касал қилди. Ўша кунгич Мансурга кўнғироқ қилди.

— Бу газ ҳиди сени ўлишинг учун чиқиб ётибди, — деб алоқани узди Мансур.

Гулноза нима қилишини билмай туман хотин-қизлар кўмитасига кўнғироқ қилди... У ердан вақил келди, аммо бирор тайинли ёрдам бўлмади. М. Шоқахоров эса собиқ хотинидан кутулиш йўллари кидира бошлади. Ўз қўлида ишловчи Бобур Жўраевни қотиллик учун ёллади.

Б. Жўраев судда берган кўрсатмасида муқаддам суд-

ланиб чиққани, чилангар экани, бир мuddат Шухрат исмли шериги билан Мансурнинг уйда ишлагани, бир кун у турмуш ўртоғини ўлдириб юбориши эвазига пул таклиф қилганини айтиб берди.

Яъни, Мансур устани чақириб:

— Ишласангиз ҳам, ишла-масангиз ҳам, мен сизга ойлик чиқариб бераман, фақат анави ишни тезроқ амалга оширмасак бўлмайди, — деди.

— Ниятингиз жиддийми?

— Шундай! — деди бош-

лик.

Орадан 3-4 кун ўтиб, раҳбар яна кўнғироқ қилди ва ўша ишни тезроқ амалга оширишини эслатди. Мансур сўзида қатъий туриб олган, тезроқ биринчи хотинидан кутулишни истарди.

— Бу ишинг умуман ҳиди чиқмаслиги керак, — деди у қатъий.

Ёз неъматлари:

ҚАЙТА ИШЛАНГАНИ — КОНИ ФОЙДА

Айни пайтда жамиятда ўн нафардан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Янги линиялар тўлиқ ишга туширилса, яна йигирма беш нафар киши доимий иш билан таъминланади. Уларнинг аксарияти ёшлар.

— Йилдан-йилга иш ҳажми-ни, шунга яраша даромадини ҳам ошириб борамиз, — дейди корхона директори Зоҳиддин Ғиёсов. — Давлатимиз раҳбари томонидан жорий

йил 14 майда имзоланган "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон фаолиятимиз кўламини янада кенгайтириш имкони-ни берди. Жорий йилнинг ўзидаёқ корхонамизни технологик янгилаш жараёнлари-ни жадаллаштириб, ишлаб чиқариш ҳажмини оширамиз. Маҳсулот турини кўпайтириш, ташқи бозорга чиқиш ва шу



← Бошланғич 1-бетда

Вилоят йўлларида


Жорий йилнинг 6 оyi мо-байнида вилоят ҳудудида 397 та йўл-транспорт ҳодисалари содир этилди. Мазкур ҳодисаларнинг 213 таси пиё-дани уриб юбориш билан

боғлиқ. Ачинарлиси, аксарият ҳолларда йўл-транспорт ҳодисалари пиёда-нинг айби билан содир бўлган. Маълумотларга кўра, 34 ҳолатда пиёда маст бўлган.

531 НАФАР ПИЁДА ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва пиёдаларнинг серкатнов йўллар ва чорраҳаларда белгиланган жойлардан юришларини назорат қилиш мақса-дида вилоят ҳудудида бир кунлик "Диққат, пиёда!" профилактик тадбири ўтказилди. Унда машиналар серкатнов йўллarga яқин жойлашган бозор, корхона ва ташкилотлар қарши-сидаги пиёдалар йўлакчасига йўл-пат-руль хизмати инспек-торлари бириктирилди. Улар ҳаракат хавфсиз-лигини таъминлаш би-лан бир қаторда аҳоли-га йўл қоидалари бора-сида зарур тушунчалар ҳам беришди. Шунинг-дек, қоидабузар пиёда-ларни аниқлашга ҳам алоҳида эътибор қара-тилди.

— Инспекторлар то-монидан кун давоми-да 531 та маъмурий баённома расмийлаш-тирилиб, Ўзбекистон Республикаси Маъму-рий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 138-моддасига кўра, 531 та фуқарога нисбатан 35 миллион 883 минг 210 сўмлик жарима белгиланди, — дейди вилоят ИИБ



Ўз мухбири-миз

УЧ КУНДА 1 МИНГ 500 ГА ЯҚИН ҚОИДАБУЗАРЛИК ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши натижасида кўпгина фуқароларимиз дам олиш кунларини Бўстонлик туманида жойлашган дам олиш масканларида ўтказишмоқда.

Шу сабабли Бўстонлик олиб борувчи 4P12 "Бектемир — Чирчик — Ғазалкент — Чорбоғ" автомобиль йўлида машиналар оқими кескин кўпайди. Мазкур йўналишда йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва автомобильларнинг хавфсиз ҳаракатланишларини таъминлаш мақсадида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари онлайн режимида ишлатмоқда.

Вилоят ИИББ ЙХХБ матбуот хиз-

матининг хабар беришича, ўтган ҳафтанинг жума, шанба ва яшанба кунлари мобайнида фоторадарлар орқали 1 минг 436 та тезликни меъёридан ошириш ҳолати аниқланган.

Маълумот ўрнида: мазкур қоидабузарликларнинг 945 таси Тошкент шаҳрида, 387 таси Тошкент вилоя-тида, 104 таси республикамизнинг бошқа ҳудудларида истиқомат қилувчи ҳайдовчилар томонидан содир этилган.

СОҒЛИҒИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

Ёз фаслида турли яхна ичимликлар, полиз экинлари ва меваларга бўлган эҳтиёж ортади. Айнақса, чиланинг иссиқ кунларида айрон, гўжа, қимиз чанқоқни босиб, танани яйратади.

Эҳтиёт шарт!

Маълумки, ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши сабзавот, сут маҳсулотлари, шунингдек, гўшт ва гўшт маҳсулотларида касал-лик пайдо қилувчи микроблар кўпайиши учун қулай шартли яратди. Эҳтиётсизлик қилиб, уларни истеъмол қилган киши ошқозон-ичак касаллигига ча-линиши мумкин. Бу касаллик-нинг яширин даври бир неча соатдан икки-уч ҳафтагача да-вом этади. Аввал қориннинг юқори қисми дам бўлиб, гулди-раш, оғриқ, пайдо бўлади. Бун-да беморнинг тана ҳарорати кўтарилади, кўнгил айнийди, қайт қилиш ва ич кетиш бошла-нади. Кўп миқдорда қайт қилиш ва ич кетиш оқибатида бемор дармонсизланади. Тери ва тил қуруқлашади ва қон босими ту-шиб кетади. Шу билан бирга бош оғриши, титраш, тана ҳаро-ратининг кўтарилиши (38-39 гача) кузатилади. Касаллик, ай-ниқса, ёш болалар ва кексалар-да оғир кечади.

Бундай касаллик белгилари пайдо бўлиши билан дарҳол ши-фокорга мурожаат қилиб, касал-хона шартотида даволашни бошлаш керак. Шунингдек, кун да-вомида беморга нордон маҳсу-лотлар: қатик, сузма, зардоб, айрон ичириш лозим.

Эслатиб ўтамиз: ёзда гўшт ва гўшт маҳсулотларини музлаткичда беш кун, тайёр қиймани икки кун-дан ортиқ сақлаш керак. Муза-лаб қолган гўштни эритиш учун уни иссиқ сувга солиш мумкин эмас, чунки сувда гўшт таркибидаги мик-роб кўпаяди. Музлаткичда сут бир кун, қайнатилган сут уч кун, қатик уч кун, твoрoғ ўттиз олти соат, пиш-лоқ икки кун, сариёғ бир кун, туҳум 20 кунгача сақланиши мумкин.

Ҳар бир инсоннинг саломатли-ги ўз қўлида. Бунинг учун соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиена ва овқатланиш қоидаларига риоя қилиш керак.

Наргиза АСИЛОВА,
Қиёрай тумани юқумли
касалликлар шифокораси
шифокори

Реклама ва эълонлар

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "Ўзбекис-тон Республикаси Бош Проку-ратураси ҳузуридаги ИЖКҚ де-партаменти" Тошкент вилояти бошқармасига тегишли, Тош-кент шаҳри, Яққасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 10 "а"-уй, ма-нзилида сақланаётган 1. "NEXIA" русумли, давлат рақами 10/187 ТВА 2007 йилда ишлаб чиқа-рилган, бошланғич баҳоси — 26 823 000 сўм. 2. "NEXIA" русум-ли, давлат рақами 10/192 ТВА 2007 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 26 823 000 сўм. 3. "NEXIA" русумли, дав-лат рақами 10/193 ТВА 2007 йилда ишлаб чиқарилган, бош-ланғич баҳоси — 26 439 000 сўм. 4. "NEXIA" русумли, дав-лат рақами 10/189 ТВА 2007 йилда ишлаб чиқарилган, бош-ланғич баҳоси — 25 333 000 сўм. 5. "Матиз" русумли, давлат рақами 10/190 ТВА 2008 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 21 570 000 сўм. 6. "Матиз" русумли, давлат рақа-ми 10/194 ТВА 2008 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 23 553 055 сўм. 7. "Матиз" русумли, давлат рақа-ми 10/188 ТВА 2008 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 24 502 988 сўм. 8. "Матиз" русумли, давлат рақа-ми 10/186 ТВА 2008 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси — 24 095 973 сўм бўлган автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2019 йил 19 август куни соат 11.00 дан бош-лаб ўтказилади. Аризалар рас-мий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Ариза-лар қабул қилишининг охири мuddати: 2019 йил 16 август куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт вос-италари 2019 йил 16 август куни сотилмаган тақдирда тақ-рорий савдолар 2019 йил 3, 18 сентябрь кунлари соат 15.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Тақрорий савдолар учун аризалар қабул қилишининг охири мuddати: 2019 йил 3 сентябрдаги савдо учун 30 август, 18 сентябрдаги савдо учун 16 сентябрь куни соат 18.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотиш шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани-ги ҳақидаги тўлов ҳужжати нус-хаси, вакиллар учун ишоннома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташки-лотчиси билан тузилдиган за-калат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фо-изидан кам бўлмаган миқдор-да закалат пулини "RMM" МЧЖнинг ХАТБ "Давр банк" Олмazor филиалидаги қўйида-ги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001.

МФО: 01121, СТИР: 200933850. Аризалар қабул қилиш ва сав-до ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмazor тумани, 1-Корақамш кўчаси, 1 А-уй. (71) 228-79-52.

Гувоҳнома №001805.

"Бўстонлик КСЗД" ДУК Тошкент вило-ти, Бўстонлик тумани, Искандар кўрғони, "Барраж" МФЙ ҳудудида жойлашган 7 ЛОТ, 57 кв.м бино-иншооти ва 0,50 Га ер май-дони: ишлаб чиқариш фаолиятини олиб бориш учун "ноль" қийматда тендер асо-сида қўйидаги шартлар бажарилган ҳолат-да, кейинчалик хусусийлаштириш шарти билан ижарага берилади.

1. Инвестиция қиритиш. 2. Иш ўринлари яратиш. 3. Экспорт қилиш.

Талабгор тадбиркорлар "Бўстонлик КСЗД" ДУК идорасига ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача 10 кун мuddатда мурожаат қилишлари мумкин. Мурожаат учун телефон: (+998 97) 274-62-46. Танлов куни КСЗД томонидан ха-бар қилинади.

"Бўстонлик КСЗД" ДУК маъмурияти

Мурожаат учун телефон: (+998 97) 869-50-81.

Устозим Малика опа Хўжаева тўғрисида ёзиш мен учун бир томондан осон, сабаби унинг тарбиясида бўлдим, насихат ва ўғитларини олиб, камол топдим. Аммо, Ўртачирчиқ туманида бир неча авлод вакилларига устозлик қилган Малика Хўжаева ҳақида ёзиш қийин, чунки

хотин-қизлар педагогика билим юртига олиб келди. Алиакбар ака хайрлашаётганида: "Яхши ўқи, келажакда асқотади", дея насихат қилди. У тўрт йил давомида мендан хабардор бўлиб турди. Бир устоз бўлса, шунчалик бўлар,

Ўқишни тугатиб, 1955 йили

амалга ошириб, ёшларнинг чи-накам етакчисига айланди. 1965-1975 йилларда Ўртачирчиқ тумани партия кўмитаси бўлим мудир, 1975-1979 йилларда ту-ман ижроия кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари бўлиб иш-лаб, тумanning ижтимоий-иқти-содий ривожланишига ўзининг

йўқ эди. Малика опа муҳаррир бўлиб келиши билан редакция учун бино қуришга киришди. Мутасадди ташкилотларга қат-наб, бино қурилиши учун маб-лағ ажратилишига эришди. Лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, қурилиш ишларини тезлаштир-ди. "Машъал" газетаси биноси

ли нашрга айланди. Газета кўпгина йўналишлар бўйича кўрик-танловлар қолиби деб топилди.

Малика Хўжаева 1964 йил-дан 1992 йилгача асосий иши-дан ажралмаган ҳолда туман хотин-қизлар кўмитасини ҳам бошқарди. Фаолияти давомида хотин-қизлар ўртасида тарбия-вий, маънавий-маърифий иш-ларни амалга оширди. Ўша давр вакиллари бу инсоннинг номини ҳали-ҳануз ҳурмат ва эҳтиром билан эслашади.

Қаҳрамонимиз оилада вафо-дор ёр ва фарзандларига меҳ-рибон она ҳамдир. Турмуш ўртоғи Анвархўжа ота билан қарийб 57 йил тотув ва иноқ турмуш кечириб, 4 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга ет-казишди. Ўғиллари Абдорхон ва Мухторхонлар эл қорига яраёт-ган тadbirkorлар. Қизлари Машқураҳон Тошкент давлат консерваторияси катта ўқитув-чиси, бастакор, кенжаси Юлдуз-хон эса шифокор. 7 нафар не-вара, 2 нафар эваралар эса Малика она ва Анвар оталар бунёд этган катта ҳаёт гулша-нининг ифори гуллари, чечак-ларидир.

"Меҳнат фахрийси" кўрак нишони соҳибаси, маҳалла фа-оли, мўтабар онахон Малика Хўжаеванинг мазмуни ҳаёти ёшлар учун ҳавасга арзирли иб-рат йўлидир.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ДА ЧОП ЭТИЛГАН ЯНА БИР МАСАЛА ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Газетамизнинг 2019 йил 3 июль 50-сонидан "Бахтим йўғу Бахтиёрим бор..." сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Зангиота туманида туғилган ва оилавий келишмовчилик туфайли айни пайтда кўча-кўйда яшаб юрган она-бола ҳусусида сўз юритилган эди.

Мазкур мақола эълон қилинган сўнг таҳририятимизга кўлаб кўнгироклар бўлди. Улар орасида бу аёлга ҳолис ёрдам бермоқчи бўлганлар ҳам бор эди. Ақсарият она-боланинг кейинги тақдир билан қизиқди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, мазкур масалага мутасаддиларнинг муносабатини билиш мақсадида Меҳри Омонова билан учрашдик.

— Мақола эълон қилинган, Зангиота тумани мутасаддилари келиб, яшаб шароитимизни ўрганиб, муаммони ижобий ҳал этишга ваъда беришди, — дейди Меҳри Омонова. — Туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Шодия Умархўжаеванинг саъй-ҳаракатлари билан вақтинчалик маҳалла фуқаролар йиғини

биносига жойлашдик. Ҳозир болам билан ўша ерда яшаймиз. Туман прокурори акам билан ўртаимиздаги мерос масаласидаги келишмовчиликни батафсил ўрганишни бошлаб юборди. Ўзим маҳалла фуқаролар йиғинига жамоатчилик асосида ишга киришга ариза ёздим. Хуллас, ҳаётимиз яхши томонга ўзгарди. Бизни шу аҳволда қолдирмаган ва тўғри тушуниб, ёрдам қилини чўзаётган барча мутасаддиларга катта раҳмат. Насиб қилса, тез орада бизнинг ҳам ўз уй-жойимиз, бошпанамиз бўлади.

Дарҳақиқат, газетанинг чиқишига тезкорлик билан муносабат билдирилиб, она-бола тақдирини ўзгартаришга киришилди. Айни пайтда Меҳри Омонова ва унинг ўғли Бахтиёр Зангиота тумани, "Сортена" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли бирода яшашмоқда. Улар учун имкон доирасида шароитлар яратилган. Ҳар ҳолда она ва бола ҳозирги аҳолидан ва кўрсатилган ёрдамдан рози. Мазкур маҳалла раисининг айтишича, Бахтиёр тез орада маҳалла ҳисобидан ёзги оромгоҳга юборилди. Меҳри Омонова эса маҳалла идорасига жамоатчилик асосида ишга қабул қилинади.

— Ҳозир туман прокуратураси томонидан Меҳри Омонованинг акаси билан боғлиқ низоли ҳолати ўрганилмоқда, — дейди туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Шодия Умаралиева. — Илоҳи борица аёлга ота уйдан ўзига тегишли меросини олиб беришга ҳақ қиламиз. Чунки буни ўзи истаяпти. Борди-ю бунинг улдасидан чиқа олмасак, унга давлат ҳисобидан қурилатган ва ҳеч қандай тўловлари йўқ уй-жойлардан бирини берамиз.

Мазкур мақолани ёзишдан мақсадимиз қайсидир раҳбарни айблаш эмас, балки мутасаддилар эътиборидан четда қолган бир муштларга аёлга ёрдам бериш эди, ҳолос. Зеро, бугунги барча ислохотлар, аввало, инсонларни рози қилиш, уларни давлатдан, бунгундан миннатдор бўлиб яшашини таъминлаш йўлида амалга оширилмоқда, аслида.

Ўз мухбиримиз

ТАҚДИРДАН МАМНУНЛИК САОДАТИ

унинг меҳнат фаолияти жуда серкирра бўлиб, барчасини қамраб олишнинг имкони йўқ.

Малика Хўжаева 1936 йилда Галаботир қишлоғида туғилган. Дадаси Абдутолибхўжа тиббиёт ходими эди. Малика ота меҳрига тўйиб-тўймас падари бузрукворидан айрилди. Онаси Адолатхон опа уй бекаси эди. Малика болалигидан ўқишга қизиқди. 7 йиллик мактабни "аъло" баҳолар билан тугатди. У журналист бўлишни орзу қиларди. Лекин, қишлоғидан ташқарига чиқмаган Малика қаёққа боришни билмасди.

— Тақдиримдан мамнунман, — дейди Малика опа биз билан суҳбатда. — Ҳаётимда кўпчилик инсонлар менга ёрдам қилини чўзиб, йўл-йўриқ кўрсатишди. Шулардан бири — мактабимиз директори Алиакбар Омондиқов мени Тошкентга — Республика

Нурафшон шаҳри, Мухимий кўчасида бир мўтабар онахон яшайди. У Иккинчи жаҳон уруши фронт орти қийинчиликлари билан бошдан кечирган, отадан 8 ёшида етим қолиб, оч-наҳор пахта даласида ишлаб, болалигидан меҳнатда тобланган аёл — Малика ая Хўжаевадир.

Пири бадавлатларимиз

туман ёшлар иттифоқи кўмитасида иш бошлади. 1956 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)га ўқишга кирди. 1964 йилда М. Хўжаевани Ўртачирчиқ тумани ёшлар иттифоқи биринчи котиблугига сайлашди. У бу лавозимда ишлар экан, туман ёшлари орасида гоёвий тарбиявий, маърифий ишларни



муносиб ҳиссасини қўшди.

1979 йилда Малика опа Хўжаевани туман "Машъал" газетасига муҳаррир этиб тайинлашди. Бу даврда бахтсиз ҳодиса туфайли газета босини ёниб кетган, редакция учун бошпана

бир ярим йил ичида қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Малика опа Хўжаева нафақага чиққунига қадар газетага раҳбарлик қилди. Бу йиллар давомида "Машъал" газетаси республикамиздаги энг намуна-

Маънавият

АДОЛАТ

Оллоёрниқиди яна жанжал бўлди. Бу сафар гавго жуда чўзилиб кетди. Эртаси кўни икки томон йиғилиб, эр-хотин ўртасига тушишди.

— Зугумларидан тўйдим, энди ажрашаман! — гапни тахлади хотин. — Битта болам очидан ўлмас.

— Кетса кетар! — дагдага қилди эр. — Мени билмадими, хор бўлади бу тили билан!

Қариндош-уруғ ҳам қараб турмади: "биттагина бола"ни елкасида катта қиладиган тоғалар, укасига эртагёқ онаси ўлмаган қизни олиб берадиган аммалар бир-бирига таъна тошларини аямай отишди. Гоҳ у томон, гоҳ бу томоннинг қўли балан келди. Гап чувала-чувала кечаги жанжалга бориб тарқалди.

— Бир чиройли ўтирувдик. Ичиб келиб, арзимас гапдан жанжал чиқарди. "Одамларнинг эридаги урмаганимга шўкр қил", дейди-ю қўлига тушганини отади. Кеча отган пиёласи текканда кўзим чиқиб кетарди! — Алдама,



сенга

эмас, деворга отдим.

— Девор тўрт томонда бор, фақат менинг орқамда эмас!

— Эй қанақа одамсан, сен мана бу ерда турувдинг, мен бу ёққа...

— Ёлгон, мен шу ерда эдим! Нақ пешонам ёнидан учиб ўтди.

— Кўрдингларми, битта гапдан қолса ўлади бу! Йўқ, бу сафар ҳунаринг ўтмайди. Ана, Оллоёр айтсин. Ҳаммасини кўриб турувди. Оллоёр, тез бу ёққа кел!

Бир четда кўзида ёш гилтиллаб турган бола ўзининг исмини эшитиб, сапчиб тушди. Оёғини судраганча жанжалнинг ўртасига кириб борди. Дадаси бу, аяси у томонда, қолганлар рўпарасида, ҳамма нигоҳини унга қадаб турарди.

— Айт, тўғриси янги! — Гапир, тилингни айтиб юборганмисан?!

Бола титраб-қақшай бошлади. — Ана буюм юрак олдириб қўйган, дадасини кўрганда қалтирайди, — бобиллади она.

— Сенинг заҳар тилинган қўрқаппти. Гапир, — дўқ урди ота. "Айтсанг-чи!" "Бўл!" "Қўрма!" Шу зайл уни гапиришга қисташар, адолат қилишини сўрашарди.

Шунда Оллоёр қутилмаганда бор овози билан:

— Мен ёш боламан, билмайман! — деди ва йиғлаб юборди.

Ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетди. Адолат — шу эди, аслида.

Гулчеҳра АСРОНОВА

АҚЛУ ТАФАККУР МАНБАИ

Айни кунларда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган — ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларига хизмат қилувчи беш муҳим ташаббус бўйича жойларда зарур шарт-шаротларни яратиш мақсадида кўпгина амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, ташаббуснинг тўртинчи йўналиши доирасида Кўйичирчиқ тумани Ахборот-ресурс марказида иқтидорли ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув



Тадбирга вилоят "Турон" Ахборот-кутубхона маркази, "Жаҳон адабиёти" журна-ли, вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси вакиллари ташриф буюришди.

Учрашувга келганлар туман мактабларида таълим олаётган иқтидорли ўқувчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг руҳияти, қизиқишлари, орзу-истаклари ҳақида фикрлашди. Шунингдек, ўқувчиларнинг ижод намуналари, шеър ва ҳикояларини тинглаб, бу йўналишда ижодкор асосан нималарга эътибор

қилиб қилишди.

— Вилоят Ахборот-кутубхона маркази жойлардаги кутубхоналарнинг бадиий адабиётлар билан таъминланганлик даражасини ўрганиб чиқмоқда, — дейди "Турон" Ахборот-кутубхона маркази бўлим мудир Дилфуза Турсунматова.

— Чекка ҳудудлардаги кутубхоналарда бундай адабиётлар камлигини ҳисобга олган ҳолда, кўча кутубхоналар ташкил этишни режалаштирганмиз. Эътиборлиси, туманда русча-ўзбекчага ихтисослаштирилган мактаблар ҳам бор.

қаратиши лозимлиги ҳусусида суҳбат курдилар.

Айниқса, 24-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Зарина Мура-тованинг "Бешта ташаббус", 33-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Дурдона Йўлдошеванинг "Президентим — менинг фахрим" шеърларига эътибор қаратилди. Шунингдек, 10-мактаб ўқувчиси Зарнигор Бакированинг ижоди ҳақида илиқ фикрлар билдирилди. Яқин кунларда улар каби иқтидорли ўқувчиларнинг шеър ва ҳикоялар тўпламини чоп этишга кўмаклашиш масаласи кўриб чиқилди.

— Вилоят Ахборот-кутубхона маркази жойлардаги кутубхоналарнинг бадиий адабиётлар билан таъминланганлик даражасини ўрганиб чиқмоқда, — дейди "Турон" Ахборот-кутубхона маркази бўлим мудир Дилфуза Турсунматова.

— Чекка ҳудудлардаги кутубхоналарда бундай адабиётлар камлигини ҳисобга олган ҳолда, кўча кутубхоналар ташкил этишни режалаштирганмиз. Эътиборлиси, туманда русча-ўзбекчага ихтисослаштирилган мактаблар ҳам бор.

"Ўртоқ... бизнинг жамоамизда йигирма йилдан бери кичик ҳодим бўлиб ишлайди. Иш фаолиятида ўзини...

— Ходим ручканинг бошини тишлаб пича ўйлаб турди-да, сўнг раисга қаради:

— Раис бова?

— Хўш, яна нима?

— Раис бова, мен фаолия-

раис бова, бир секунд вақтингизни оламан яна. Айтингчи, мен ўз вазифамни қандай бажараяпман! Сизнингча?

— Раис бош кўтармасдан қайта сўради:

— Қандай дейсанми?

— Ха-а, ҳеч қандай. Э, э ёза-вермайсанми яхши деб.

— Мунча кўп гапирасан-а. Ин-

обру деган нарсанинг ўзи борми? Таваб, таваб! Қайси гўрдан келдинг ўзи? Менга ҳалақит бераяпсан, ахир.

— Нима деб ёзай бўлмасам?

— Уф-ф, бир тавсифнома-

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА

Ҳажвия

ТАВСИФНОМА

тимда ўзимни қандай кўрсатдим?

— Қандай? Ҳеч қандай. Нима хоҳласанг шундай деб ёзавер.

— Иш фаолиятида ўзини ёмон кўрсатгани йўқ деб ёзсам бўладими?

— Таваб! Ким шундай деб ёзади. Бу ахир тавсифнома-ку, галварс. Ёз, жуда яхши деб ёз...

— Хўш-ш, "Ўзига бирки-тилган вазифани..." — ходим яна ёзишдан тўхтаб, нима-

— Хў-ўш, тавсиф-но-ма... Берилди ушбу...

дамай ёзсангчи, ҳалақит бераяпсан.

— Уэр. Демак, "Ўз вазифани яхши бажараяпти". Шундайми?

— Уф-ф. Каерда шундай деб ёзганини кўргансан. Ёз, "сидкидилдан, жуда яхши бажараяпти", деб ёз. Ким кўриб ўтирибди, сенинг ишга бир келиб, бир келмай, ичиб юришингни.

— Ха-я, тўғри айтасиз. Хў-ўш, раис бова "жамоа ўртасида обрўи унча ёмон эмас" десам бўлармикан-а?!

— Қанақа обрў? Сенда

ни ёзишни билмайди-я. Йигирма йил ишлаб... Ҳе, ўргилдим сендан. Яна тагин бу аттестация топширмоқчи эмаш...

— Ёз, — раис ишини тўхтатиб, унга айти бошлади. "... Интизомлилиги ва принципиаллиги билан ўз жамоаси орасида обрў қозонган. Ақл-заковат талаб қиладиган ҳар қандай ишда ўзини кўрсата олади, дадиллик билан ҳаракат қиладди. "Ёздингми? Яна ёз "Маъмурият томонидан бир неча марта ҳайфсан, э-э тўхта,

"бир неча марта ташаккурномалар олган. Ўз ишининг устаси, жуда билимдон. Хўш-ш, ёз, у ҳар ишда ташаббускор, журъятли, тўғри сўз ва маънавий етук инсон".

— Ҳи-хи-хи, агар кўп ичиб кўчада ағанаб ётганини айтмасан, ҳи-хи-хи, буни ёзма-е, ҳазил бу.

— Хўш, ёздингми? Яна нима қолди? "Ўртоқларига меҳри-

бон, гапхўр.

— У буюк, тенги йўқ одам.

— Ойласининг суянчилиги?"

— Хотининг билан ярашдингми? Ёки ҳали ҳам хотининг болалари билан отасиникидами?

— Келди, келди. Ярашдик, хўш, "ойласининг таянчи", ёздим, кейинчи...

— Кейинми? — Бўлди-да шунчаси. Нима, депутатлик сайланармидинг. Бор-йўғи касбига лойиқлиги тўғрисида аттестациядан ўтиш учун шу ҳам бўлавера-

ди. Тугатдингми. Хўп, опкел, қўл қўяман...

Раис унинг тавсифнома-сига қўл қўяр экан, афтини бужайтирди ва қоғозни унга иргитди.

— Вой-бу-у, бу нима ёзув?

Ким айтиб сени олий маълумотли ходим деб. Бор, қайтадан кўчириб кел. Анови компьютерига бер, чиройли қилиб кўчириб беради.

— Э-э раис бова, мен кечикиб кетаман. Қўл қўя-қолинг энди.

— Йўқ, бўлмайди. Бунақа ажи-бужи ёзувга мен ҳам, корхона бошлиғи ҳам қўл қўймаймиз. Компьютерда ёздириб кел. Бор-бор. Вақтинини олма. Ҳе ўргилдим сенда...

— Ходим норози қиёфада хонадан чиқиб кетади. Раис эса яна ёзишга тушади.

— Хўш-ш, "У ўн йилдан бери шу корхонада касба ушма раиси бўлиб ишлаб келмоқда. Жамоа орасида алоҳида хурматга эга... у тўғри сўз, кўзбўямачиликга тоқати йўқ, ўта принципиал одам..." Хўш-ш...

Сафар КОКИЛОВ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзили:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Телефонлар:
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Электрон почталар: thaqiqat@uamail.uz // th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
терили ва Тўхир Маҳмудхўжаев
томонидан саҳифаланди.

Набатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаввиф
Аллома АЗИЗОВА
Набатчи
Маъмуржон ҚИЁМОВ